

СПОРТ ДАВЛАТЛАР ВА ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ МУЛОҚОТ, ЎЗАРО АНГЛАШУВ
ҲАМДА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИЎзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 январь куни Тошкентда бўлиб ўтаётган
Осиё Олимпия кенгашининг 46-Бош ассамблеясида иштирок этди.

Тадбирда етакчи халқаро ва минтақавий спорт ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакиллари, жумладан, Миллий олимпия кўмиталари ассоциациясининг биринчи вице-президенти, Қатар Олимпия кўмитаси президенти Шайх Жавъан бин Ҳамад Ол Соний, Халқаро антидопинг агентлиги президенти Витолд Банка, Халқаро гимнастика

федерацияси президенти Моринари Ватанабэ, Оғир атлетика федерацияси президенти Муҳаммад Жалуд, “World Boxing” президенти Геннадий Головкин, Чим устида хоккей федерацияси президенти Муҳаммад Тайяб Икрам, Осиё Паралимпия кўмитаси раиси Мажид Рашид, Халқаро самбо федерацияси президенти Василий

Шестаков, Миллий Олимпия кўмиталари ассоциацияси бош котиби Гунилла Линдберг ва Африка Олимпия кўмиталари ассоциацияси президенти Мустафо Берраф ҳам қатнашди.

Шунингдек, ассамблея ишида махсус меҳмонлар ва расмийлар, хусусан, Америка Қўшма Штатлари Президентининг махсус

вакили Паоло Замполли, Россия Федерацияси спорт вазири Михаил Дегтярев, Саудия Арабистони спорт вазири Шаҳзода Абдулазиз бин Турки ол Сауд, Қатар ёшлар ва спорт вазири Шайх Ҳамад ол Соний ҳамда бошқалар иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида тобора кучайиб бораётган глобал зиддиятларга

қарамай, спорт давлатлар ва халқлар ўртасидаги мулоқот, ўзаро англашув ҳамда ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг универсал воситаси сифатида ўрин тутишини алоҳида таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти Шайх Жавъан бин Ҳамад Ол Сонийни Осиё Олимпия кенгаши президенти этиб сайлангани билан

қутлаб, унинг юксак даражадаги касбий маҳорати, салмоқли халқаро тажрибаси ва нафақат Осиё қитғаси, балки бутун дунёда спорт ривожига қўшган улкан ҳиссасини таъкидлаб ўтди.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁ ОЛИМПИА КЕНГАШИНИНГ
46-БОШ АССАМБЛЕЯСИДАГИ НУТҚИ

Хурматли дўстлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун дунёда глобаллашув тобора кучайиб, зиддиятли ва таҳликали жараёнлар кўпайиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас. Бундай мураккаб вазиятда давлатлар ва халқлар ўртасидаги мулоқот, ўзаро тушуниш ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда спортнинг бекиёс ўрни бор.

Тинчлик ва дўстлик элчиси бўлган спортнинг бутун башариятни, жумладан, биз яшаётган Осиё қитғаси халқларини бирлаштириб, Олимпия ҳаракатининг дўстлик, ўзаро ҳурмат, адолат ва тенглик каби эзгу ғояларини фаол тарғиб этмоқда. Сизлар минтақамиздаги ижобий ўзгаришларга улкан ҳисса қўшиб, спорт дипломатияси орқали “Жипслашган Осиё” намунасини кўрсатиб бермоқдасиз.

Осиё Олимпия Кенгаши қитғамизнинг 4 миллиард 800 миллиондан ортиқ аҳолисини бирлаштириб, Олимпия ҳаракатининг дўстлик, ўзаро ҳурмат, адолат ва тенглик каби эзгу ғояларини фаол тарғиб этмоқда. Сизлар минтақамиздаги ижобий ўзгаришларга улкан ҳисса қўшиб, спорт дипломатияси орқали “Жипслашган Осиё” намунасини кўрсатиб бермоқдасиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бизга юксак ишонч билдириб, Осиё Олимпия Кенгашининг 46-Бош Ассамблеясини мамлакатимизда ўтказаяётгани учун Кенгаш раҳбариятига Ўзбекистон Президенти ва Миллий Олимпия кўмитаси раҳбари сифатида алоҳида миннатдорлик билдираман.

Бугун мана шундай тарихий анжуманда Сизлар билан гўзал ва бетакрор юртимиз заминда учрашиб турганимиздан мамнунман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Хурматли ассамблея иштирокчилари!

Бугун сизлар қитғамизда ўзаро ишонч, аҳиллик ва ҳамжиҳатлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилаётган йирик платформа — Осиё Олимпия Кенгашининг Бош Ассамблеясида жуда кўп масалаларни муҳокама қилдингиз. Шулар қаторида айнан Тошкент шаҳрида

Кенгашнинг Президенти лавозимига сайлов бўлиб ўтаётгани ҳам, шубҳасиз, улкан тарихий воқеадир.

Ушбу юксак лавозимга бир овоздан сайланган Шайх Жавъан бин Ҳамад ол Соний Ҳазрати Олийларини самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Ўтган йили апрелда — бугун янги сайланган Президент билан учрашувимиз чоғида спортни ривожлантириш борасида сермазmun суҳбат қилган эдик. Шайх Жавъан ҳазратлари Миллий Олимпия кўмиталари ассоциациясининг биринчи вице-президенти сифатида Қатарда футбол ва сув спорти бўйича жаҳон чемпионатлари каби кўпала йирик спорт тадбирларини юқори савияда ўтказган, катта билим ҳамда тажрибага эга шахс. Бу инсон ўзининг ноёб салоҳияти ва самарали фаолияти билан нафақат Осиё қитғаси, балки бутун дунёда спорт ривожига улкан ҳисса қўшмоқда. Бугун Осиё Олимпия Кенгаши мана шундай малакали номзодни Президент лавозимига сайлаб энг тўғри қарорини қабул қилди, деб ўйлайман.

Ишонаманки, Шайх Жавъан ҳазратларининг бевосита раҳбарлигида Осиё Олимпия Кенгашининг нуфузи бундан ҳам юксалади.

Хурматли тадбир иштирокчилари! Биз сўнгги йилларда Осиё Олимпия Кенгаши билан кўп қиррали ҳамкорлик алоқаларини янги босқичга кўтардик. Жумладан, 2022 йилда Осиё Олимпия Кенгаши Ижроия кўмитасининг 77-сессиясини мамлакатимизда муваффақиятли ўтказдик. Ушбу нуфузли Ташкилот томонидан Ўзбекистон вакили илк бор Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президент этиб сайланди.

2029 йилги Ёшлар Осиё ўйинларига мезбонлик қилиш учун айнан Ўзбекистон танланганини биз мамлакатимизга

масъулиятли спорт ҳамкори сифатида берилган юксак баҳо, деб қабул қиламиз. Бу ишонч эса бизга кўшни ва қардош бўлган Марказий Осиё давлатлари билан спорт алоқаларини мустаҳкамлаш учун пухта замин яратмоқда.

Шу ўринда Осиё Олимпия Кенгаши Бош директори ва “World Aquatics” федерацияси раҳбари Ҳусайн ал-Мусаллам жаноблари ўзбек спортининг узоқ йиллик ва ишончли дўсти эканини алоҳида таъкидлашни истар эдим. Бу киши 1993 йилдан буён юртимизга мунтазам ташриф буюради. Ўзбекистонга катта меҳр қўйиб, мамлакатимизнинг халқаро спорт бўйича ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Жаноб Ҳусайн ал-Мусаллам нафақат Осиёда, балки халқаро миқёсда ўзининг ақл-заковати, қатъияти ва иродаси, барчага бирдек муносабати билан кенг спорт жамоатчилиги ишончини қозонган. Сув спорти барча турларининг бутун дунёда янги босқичга кўтарилгани бу фикрнинг яққол тасдиғидир. Хусусан, Лос-Анжелес — 2028 Олимпия ўйинларида сув спорти турлари дастури 49 тадан 55 тага кўпайгани, энг аввало, ривожланаётган давлатлар учун янги имконият бўлди.

Куни кеча юртимизда “World Aquatics” федерацияси Ижроия кўмитасининг йиғилиши ўтказилиб, унинг Минтақавий филиали ташкил этилгани Марказий Осиё спорт ҳамжамияти учун катта кўмак ва мадад бўлиши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоизки, Осиё Олимпия Кенгаши амалга ошираётган ишларни бутун дунё спорт жамоатчилиги ҳар жиҳатдан тан олмоқда. Жумладан, Халқаро олимпия кўмитаси президенти Кирсти Ковентри хонимнинг Бош Ассамблеяга йўллаган видеомурожаати ҳам бунга яққол мисолдир.

Анжуманда Халқаро олимпия кўмитаси вакиллари сифатида Жеймс Маклеод ва Бирлашган кураш дунёси президенти Ненад Лалович иштирок этаётгани ҳам ана шундай юксак эътиборнинг далилидир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ассамблея ишида биз билан бирга иштирок этаётган Халқаро антидопинг агентлиги президенти Витолд Банка, Халқаро гимнастика федерацияси президенти Моринари Ватанабэ, Оғир атлетика федерацияси президенти Муҳаммад Жалуд, “World Boxing” президенти Геннадий Головкин, Чим устида хоккей федерацияси президенти Муҳаммад Тайяб Икрам, Халқаро қиличбозлик федерацияси вице-президенти Анна Делгадо, Осиё Паралимпия кўмитаси раиси Мажид Рашид, Миллий Олимпия кўмиталари ассоциацияси Бош котиби Гунилла Линдберг, Африка Олимпия кўмиталари ассоциацияси президенти Мустафо Берраф жанобларига алоҳида ташаккур айтаман.

Бундан ташқари, анжуманимизда биз билан бир сафда турган кадрли меҳмонларимиз — АҚШ Президентининг махсус вакили Паоло Замполли, Россия Федерацияси спорт вазири Михаил Дегтярев, Саудия Арабистони спорт вазири Шаҳзода Абдулазиз бин Турки ол Сауд, Қатар ёшлар ва спорт вазири Шайх Ҳамад ол Соний, Иордания Олимпия кўмитаси Президенти Шаҳзода Файсал ал-Хуссейн, Бруней Доруссалом Миллий Олимпия кўмитаси Президенти Шаҳзода Суффи Болқиях, Бутан Олимпия кўмитаси Президенти Шаҳзода Жигйел Угийн Вангчук, Кувайт Миллий Олимпия кўмитаси Президенти Шайх Фаҳад Сабоҳ ас-Сабоҳ ҳазратларига ҳам ўз хурматимизни билдираман.

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН БОЖХОНА
СОҲАСИ ХОДИМЛАРИГА

Хурматли божхона органлари ходимлари!

Қадрли сержант, офицер ва генераллар! Муҳтарам фахрийлар!

Сизларни 26 январь — Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари ходимлари куни билан самимий табриклайман.

Мустақиллик йилларида божхона органлари мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва чегараларимиз дахлсизлигини асрашда давлатнинг ишончли таянчи бўлиб келмоқда.

Хусусан, Янги Ўзбекистон шароитида божхона органлари замонавий, очиқ ва самарали тизимга айланиб, юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Сизларнинг билим ва тажрибангиз, касбий маҳорат ва қатъияннгиз мамлакатимиз иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Айниқса, соҳани рақамлаштириш, ортқича бюрократия ҳамда инсон омиллини камайитириш ва халқаро стандартларни жорий этиш борасидаги амалий ишларингиз алоҳида эътиборга лойиқ.

Соҳадаги туб ислохотлар туфайли кейинги йилларда божхона расмийлаштируви вақти 40 фоизга қисқартирилди, декларацияларнинг 20 фоизи инсон омилсиз амалга оширилмоқда. 2025 йилда 76,2 триллион сўм божхона тўловлари ундирилиб, бу кўрсаткич 21 фоизга ошди ва унинг давлат бюджетига даромадларидаги улуши 25 фоизга етди.

Шунингдек, 1,2 триллион сўмлик товарларнинг ноқонуний айланмасига чек қўйилди. Хавфларни олдиндан таҳлил қилиш натижасида 7 триллион сўм, товарларни расмий импортга жалб этиш орқали қўшимча 2,3 триллион сўм бюджет маблағи ундирилиши таъминланди.

Шу билан бирга, 1,8 тонна гиёҳвандлик, 1,1 тонна психотроп ва кучли таъсир этувчи моддаларнинг ноқонуний муомаласига чек қўйилди. Жаҳон савдо ташкилоти талаблари асосида божхона тартиб-таомиллари соддалаштирилди. Жаҳон божхона

ташкilotи билан самарали ҳамкорлик йўлга қўйилди. Янги Ўзбекистон божхонасининг халқаро нуфузи юксалиб бормоқда.

Мамлакатимиз божхона лабораторияси ва кинология марказининг минтақавий филиал мақомига эга бўлиши, Божхона институтининг “PICARD” дастури стандартлари асосида аккредитациядан ўтиши, божхона идорамизнинг мазкур ташкилот Аудит кўмитаси аъзолигига сайланиши ҳам шундан далолат беради. Божхона тизимида билимли, ташаббускор ёш кадрлар сафининг кенгайиб бораётгани, уларнинг малакали халқаро экспертлар сифатида эътироф этилаётгани қувонарлидир.

Қадрли соҳа вакиллари!

Бугунги мураккаб замонда иқтисодий хавфсизлиқни таъминлаш, жумладан, келгуси беш йилда “яширин иқтисодиёт” улушини икки қарра қисқартиришда божхона органлари фаолиятини кучайтириш — долзарб вазифадир. Айниқса, мамлакатимизнинг Жаҳон савдо ташкilotига аъзо бўлиб кириши муносабати билан божхона тизимининг иш самарадорлиги ва масъулиятини тубдан ошириш зарур.

Шу боис, соҳани ҳар томонлама ривожлантириш, унинг моддий-техник базаси ва кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш, ходимлар меҳнатини муносиб рағбатлантириш доимий эътиборимиз марказида бўлади. Ушбу шонли айёмда ўз хизмат буричини адо этиш чоғида ҳалок бўлган мард ва жасур ходимлар хотирасини ҳурмат билан ёдга олиб, уларнинг оилалари ва фарзандларига эзгу тилакларимизни йўлаймиз.

Хурматли божхона органлари ходимлари!

Муҳтарам фахрийлар! Сизларни яна бир бор чин дилдан қутлаб, барчангизга мустаҳкам соғлиқ, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Масъулиятли ва шарафли хизматингизда янги ютуқ ва зафарлар ёр бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

2026 йил 27 январь, 17-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ОСИЁ ОЛИМПИА КЕНГАШИНИНГ 46-БОШ АССАМБЛЕЯСИДАГИ НУТҚИ

Бошланиши 1-бетда

Қадрли меҳмонлар!
Биз Янги Ўзбекистонда ёшларимизни халқаро олимпиада ҳаракатининг гуманистик ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда, энг аввало, қадимий тарихимиз ва бой маданиятимиз, миллий қадрият ва урф-одатларимизга таянамиз.

Бу ҳақда гапирганда, машҳур миллий эпосимиз “Алпомиш” достонининг бош қаҳрамонлари — мард ва енгилмас паҳлавон Алпомиш ҳамда азму шижоатли, жасур Барчиной асрлар давомида юртимиздаги миллионлаб йигит-қизлар учун идеал намунаси бўлиб келаётганини таъкидлаш ўринлидир.

Шу маънода, спорт дунёсига, спорт тарбиясига хос эзгу ғазилатлар халқимизнинг генетик кодида азал-азалдан мавжуд, десам, янглишмаган бўламан. Бундай хусусиятлар спортчиларимизнинг жаҳон ареналарини забт этишида катта тажриба, маҳорат ва илҳом мактаби бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда юртимизда аҳолини оммавий спорт билан қамраб олиш даражаси 15 миллион кишига етди. Аҳолининг 60 фоизини ёшлар ташкил этадиган мамлакатимиз учун бу қандай катта аҳамиятга эга эканини барчангиз яхши тушунасиз, албатта.

Биз, ислохотларимизнинг илк кунларида-ноқ, барча соҳалар қатори жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратдик. Олимпия ҳаракати тарғиботини энг кўпи бўғиндан бошлаш ва селекцияни кенгайтириш мақсадида уч босқичли “Президент Олимпиадаси” комплекс спорт мусобақаларини тизимини йўлга қўйдик. Бу мусобақаларнинг ҳар бир босқичига халқаро спорт мезонлари ва талаблари таъкиб қилинди.

Ўтган йили 100 гектарлик ҳудудда барпо этилган Олимпия шаҳарчаси нуфузли спорт тадбирларини ўтказиш учун ҳар томонлама муносиб майдонга айланди.

Яратилган имконият ва шароитларга мос равишда спорт соҳасидаги ютуқларимиз ҳам ўсиб бормоқда. Париж — 2024 Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз 13-ўринни эгаллади. Ўтган йили жаҳон, Осиё ва Олимпия ўйинларида 50 дан ортқ ўғил-қизларимиз рекорд натижаларни қўлга киритди. Ёшларимиз 2025 йил Баҳрайнда ўтказилган Осиё Ёшлар ўйинлари ва Саудияда Ислон бирдамлиги мусобақаларида фахрли 2-ўринни эгаллади.

Сўнгги йилларда юртимиз оғир атлетика, бокс, дзюдо, эштак ушиб, волейбол, гимнастика, футзал каби 10 дан зиёд спорт турлари бўйича жаҳон чемпионати ва кубог мусобақаларига муносиб мезбонлик қилди.

Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш, самарали селекция бўйича янги тизим яратдик. Биз юқори маҳоратли спортчиларни тайёрлаш ишларини бундан буён ҳам изчил давом эттириш учун замонавий спорт инфратузилмаларини барпо этишга, соҳага рақамлаштириш ва инновацияларни кенг жорий қилишга, халқаро стандартларни фаол таъкиб этишга, спорт дипломатиясини қучайтиришга катта эътибор қаратамиз.

Бундан ташқари, ҳалол спорт тамойилига амал қилиб, допингга қарши курашнинг қатъий тарафдори бўлиб қоламиз. Бу борада Бутунжаҳон антидопинг агентлигининг адолатли сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Бугун ушбу Агентлик томонидан Тошкентда Марказий Осиё минтақавий антидопинг ташкилотларининг йиғилиши ва Халқаро форум ўтказилаётгани муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тадбир маҳаллий мутахассислар учун антидопинг қондалари бўйича тажриба алмашиш имкониятини бериши шубҳасиз.

Шунингдек, анжуманда қатнашаётган халқаро спорт ташкилотларида 50 дан ортқ юртимиз вакиллари самарали фаолият юритаётганини ҳам мамнуният билан таъкидлаймиз.

Тадбир доирасида Халқаро ва Осиё спорт ташкилотлари бизнинг миллий спорт федерацияларимиз билан 20 дан зиёд муҳим битимлар

имзолаганини ҳам олқишлаймиз. Улар ўз йўналишларида ҳар бир ҳудудимиздан 1 тадан спорт мактабини танлаб олиб, ҳақиқий намунага айлантириш учун кўмаклашадигандин миннатдоримиз.

Мисол учун, Халқаро оғир атлетика федерацияси — Бўстонлик туманида Акбар Жўраев номидаги оғир атлетика спорт клубини замонавий илмий ёндашув асосида ривожлантириш; Бирлашган кураш дунёси ташкилоти — Минтақавий спорт курашлари академиясини ташкил этиш; Осиё волейбол конфедерацияси — ҳар бир вилоятимизда волейбол бўйича 1 тадан спорт клубини бунёд этиш; Чим устида хоккей халқаро федерацияси — Тошкент ва Хоразм вилоятларида 2 та стадион куриш каби аниқ мақсад ва натижага йўналтирилган келишувларга эришгани қувонарлиқдир.

Мазкур лойиҳаларни тўла-тўқис амалга ошириш учун менинг жойлардаги вакилларим бўлган ҳокимлар ва спорт федерацияларимиз раҳбарлари шахсан масъул бўлади.

Ишонаманки, бундай янги халқаро ҳамкорлик механизми спортимиз раванқига беқиёс амалий ҳисса қўшади.

Ҳурматли делегациялар аъзолари!
Энди сизларнинг иштирокингизда Олимпия ҳаракатини ривожлантириш, муҳим спорт ташаббусларини илгари суришга қўшаётган алоҳида ҳиссаси учун Шайх Жавъан ол Соний ҳазратларини Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг “Шон-шараф” ордени билан таъдирлашга ижозат бергайсиз.

Сўзимнинг якунида шунга алоҳида таъкидлайман: Янги Ўзбекистон барча давлатлар билан спорт соҳасида кўп қиррали ҳамкорликка ҳамиша тайёр.

Бу шарафли йўлда сизлар каби яқин дўстларимизга эшикларимиз ҳам, юракларимиз ҳам доимо очик.

Барчангизга улкан куч-ғайрат, омад ва зафарлар тилайман.
Доймо соғ-омон бўлинглар!

СПОРТ ДАВЛАТЛАР ВА ХАЛҚЛАР ЎРТАСИДАГИ МУЛОҚОТ, ЎЗАРО АНГЛАШУВ ҲАМДА ҲАМКОРЛИКНИ МУСТАҚАМЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ

Бошланиши 1-бетда

Ўзбекистоннинг Осиё Олимпия кенгаши билан кўп қиррали ҳамкорлигини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Кенгаш Ижроия қўмитасининг 77-сессияси муваффақиятли ўтказилгани, республикаимиз вакили Марказий Осиё минтақаси бўйича вице-президент этиб сайлангани ва 2029 йилги Ёшлар Осиё ўйинларига мезбонлик қилиш учун Ўзбекистон танлангани қайд этилди.

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спорт соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ҳақида ҳам сўз юритди.

Уч босқичли “Президент Олимпиадаси” комплекс спорт мусобақалари тизими йўлга қўйилди, замонавий спорт инфратузилмаси, хусусан, Олимпия шаҳарчаси барпо этилди, юқори малакали спортчиларни саралаш ва тайёрлаш тизими кенгайтирилмоқда.

Халқаро майдондаги юксак натижалар, жумладан, 2024 йилда Парижда бўлиб ўтган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида Ўзбекистон спортчиларининг муваффақиятли иштирок этгани ҳамда юртимизда оммавий спорт ривожланиб, бугунги кунда 15 миллиондан ортқ аҳоли мунтазам равишда жисмоний тарбия билан шуғулланаётгани қайд этилди.

Халқаро ва Осиё спорт ташкилотлари Ўзбекистон миллий спорт федерациялари билан 20 дан ортқ битимлар имзолагани таъкидланди.

Хусусан, Халқаро оғир атлетика федерацияси Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманида Акбар Жўраев номидаги оғир атлетика спорт клубини замонавий илмий ёндашув асосида ривожлантиришга кўмаклашди, Бирлашган кураш дунёси ташкилоти Минтақавий спорт курашлари академиясини ташкил этади. Осиё волейбол конфедерацияси ҳар бир вилоятда 1 тадан волейбол бўйича спорт клубини бунёд этса, Чим устида хоккей халқаро федерациясининг техник кўмағида 2 та стадион қурилади.

Ўзбекистоннинг ҳалол спорт тамойилига амал қилиш ва допингга қарши курашнинг қатъий тарафдори бўлиб қолиши қайд этилди.

Бу борада Тошкентда Марказий Осиё минтақавий антидопинг ташкилотларининг йиғилиши ва халқаро форум

ўтказилаётгани муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистон барча давлатлар билан спорт соҳасида кўп қиррали ва узоқ муддатли ҳамкорлик учун очиклигини тасдиқлаб, спорт дипломатиясини ривожлантириш ҳамда қўшма ташаббусларни илгари суришга тайёрлигини таъкидлади.

Тадбир якунида Шайх Жавъан бин Ҳамад Ол Соний олимпия ҳаракатини ривожлантириш, муҳим спорт ташаббусларини илгари суришга қўшаётган алоҳида ҳиссаси учун Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасининг “Шон-шараф” ордени билан тақдирланди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Осиё Олимпия кенгаши раҳбарияти ва ташкилот Бош ассамблеяси иштирокчиларини қабул қилди.

Учрашув аввалида Осиё Олимпия кенгашининг янги сайланган президенти Шайх Жавъан бин Ҳамад Ол Соний давлатимиз раҳбарига Қатар Амири Шайх Тамим бин Ҳамад Ол Сонийнинг самимий саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Мамлакатимиз етакчиси Ўзбекистонга халқаро спорт ҳаракатининг ҳамқори сифатида юксак ишонч билдирилиб, ташкилот ассамблеясини Тошкентда ўтказишга қарор қилингани учун миннатдорлик изҳор этди.

Спортни ривожлантириш “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида устувор йўналишлардан бири сифатида белгилангани таъкидланди.

Ўзбекистон халқаро спорт ташкилотлари билан ҳамкорлики янада мустақамлаш ва амалий натижаларга эришишга қаратилган қўшма дастур ҳамда ташаббусларни амалга оширишга тайёрлиги қайд этилди.

Тадбир якунида Президентимиз спортни ривожлантириш ва спорт соҳасидаги халқаро ҳамкорлиқни мустақамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун Осиё Олимпия кенгаши бош директори ва “World Aquatics” федерацияси раҳбари Хусайн ал-Мусалламга Ўзбекистон Республикасининг юксак давлат муқофоти — “Дўстлик” орденини топширди.

ЎЗА

БУГУННИНГ ГАПИ

2026 ЙИЛ: НАТИЖА ВА МАСЪУЛИЯТГА АСОСЛАНГАН ИСЛОХОТЛАР БОСҚИЧИ

2026 йил Ўзбекистон учун ислохотларнинг янги сифат босқичини бошлаб бераётган муҳим давр сифатида намоён бўлмоқда. Бу йилга мўлжалланган давлат дастури, илгариги амалиётдан фарқли ўлароқ, ислохотларни фақат режалаштириш билан чекланмасдан, уларни аниқ натижа ва шахсий жавобгарлик асосида амалга оширишни назарда тутди. Бундай ёндашув давлат бошқарувида мазмунан янги фалсафа шаклланаётганидан далолат беради.

Илк бор ислохотлар алоҳида соҳалар бўйича устувор дастурлар шаклида қабул қилиниб, ҳар бир йўналиш бўйича ўлчаб бўладиган мақсадлар, аниқ индикаторлар ва шахсан масъул раҳбарлар белгиланмоқда. Бу эса давлат бошқарувида “хужжат қабул қилинди” ёндашувидан воз кечиб, “қандай натижага эришилди” тамойили қарор топаётганини аниқлади.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномада алоҳида таъкидлаганидек, ислохотлар марказида маҳалла институти турибди. 2026 йилга мўлжалланган давлат дастурида давлат сиёсати ислохотларини аҳолига энг яқин даражада — яъни маҳаллада амалга оширишга қаратилгани яққол кўринади. Маҳалла энди фақат ижтимоий институт эмас, балки иқтисодий, инфратузилмавий ва ижтимоий масалалар ҳал этиладиган асосий бўғинга айланмоқда.

Хусусан, жорий йилда маҳаллаларда иш ўринлари яратиш, қамбағалликни қисқартириш ва инфратузилмани яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар қилиниши режалаштирилган. Энг муҳими, маҳалладаги ҳар бир муаммо давлат органлари учун аниқ масъулиятга айланиб, унинг ижроси рақамли тизим орқали доимий равишда назорат қилиниши кўзда тутилмоқда. Бу орқали ижро интизоми кучайиб, аҳолининг давлатга ишончи мустақамлашниши кутилмоқда.

Иқтисодий сиёсатда технологик ўсиш ва инвестицияларни жалб қилиш устувор вазифа сифатида белгиланган. Давлат инвестор учун тўсиқ эмас, балки ҳамкор сифатида ишлайдиган очик ва шаффоф бошқарув моделига ўтмоқда. Шу билан бирга, экология ва ресурслар сиёсатида тежамкорлик ҳамда барқарор ривожланиш узоқ муддатли давлат устуворлиги даражасига кўтарилмоқда. Бу эса иқтисодий ўсиш билан экологик масъулият ўртасида мувозанатни таъминлашга қаратилган ёндашувдир.

Давлат бошқаруви ва суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотлар жамиятда ишонччи янада мустақамлашга хизмат қилади. Аҳоли мурожаатларини ҳал этишда давлат органларининг жавобгарлиги оширилиб, “OASIS” ягона рақамли платформаси орқали барча мурожаатлар шаффоф ва тизимли назорат қилинади. Суд-ҳуқуқ соҳасида адолат, очиклик ва инсон



Элдор ТУЛЯКОВ,
“Тараққиёт стратегияси” маркази
ижрочи директори

ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган механизмлар кучайтирилди.

Аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликка қарши курашни давлат сиёсатининг қатъий устувор йўналиши сифатида белгиланиб, жавобгарлик чораларини қучайтириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, мажбурий ижро тизимига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали инсон омиллини қаматириш, адолат ва самарадорлиқни ошириш мақсад қилинган.

Фуқароларнинг жамият ҳаётидаги иштирокини кенгайтириш ислохотларининг муҳим йўналишларидан бири. Ижтимоий фаолликни рағбатлантириш механизмлари доирасида жамиятда фаол фуқароларга давлат хизматларида четғирмалар бериш, олий таълим шартномаларининг бир қисmini қоплаш, автомашина хариди учун кредитлар бўйича имтиёзлар жорий этиш тақлиф этилмоқда. Бу фуқаролик фаоллигини иқтисодий ва ижтимоий рағбатлар билан боғлашга асос бўлади.

Айни пайтда 2026 йилга мўлжалланган давлат дастури ва ислохотлар пакети жамоатчилик муҳокамасига қўйилгани алоҳида аҳамиятга эга. Бу жараён ислохотларнинг очиклиги, инклюзивлиги ва жамият фикрига таянишини таъминлайди. Умид қиламизки, фуқаролар, экспертлар ва фаол жамоатчилик вакиллари ушбу муҳокамаларда фаол иштирок этиб, қўшимча тақлиф ва ташаббуслар билан чиқади.

Умуман олганда, 2026 йилга мўлжалланган ислохотлар давлатни инсонга янада йўналтирилган, ҳисобдор ва адолатли тизимга айлантиришга, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини амалий мазмун билан таъкидлашга хизмат қилади. Бу ислохотлар марказида эса инсон манфаатлари, жамият барқарорлиги ва мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиёти туради.

КУН МАВЗУСИ

Саид аканинг маҳаллага кўчиб келганига тўрт йил бўлди. Бу муддатда у ҳам, оиласи ҳам янги муҳитга кўниқиб кетди. Қўшнилар билан аҳил-иноқ яшайди, тўй ва матракаларда, албатта, қатнашади. Ҳашар бўлса, эртадан кечгача қаторда туради. Қисқаси, маҳалланинг ўз одамидек бўлиб кетган. Аммо шунга қарамай, нимагадир у маҳалланинг расмий ҳисобида йўқ эди.

Бу “йўқлик”ни Саид ака ўтган йили яққол ҳис қилди. Набираси мактаб ёшига етгач, уни биринчи синфга олиб борди. Хўжжатларини тайёрлаб, боланинг қўлидан етаклаб мактабга борганида “Рўйхатда йўқ экансизлар”, деган гапни эшитди. Шунда у ҳайрон қолди: тўрт йилдан буён шу маҳаллада яшаб, қандай қилиб расмий ҳисобга кирмай қолиши мумкин?

Кейинчалик бу муаммо яна бир неча бор такрорланди. Маҳаллага ажратиётган субсидия, қишлоқ хўжалиги учун берилаётган имтиёзли кредитлар ва бошқа масалаларда ёрдам сўраб борганида ҳам хўжжатларда номи чиқмади. Ёрдам сўраб кирган ҳар бир идорадан “Рўйхатда кўрсатилмагандир”, деган жавобни эшитаверди. Тўғриси, бу ҳолатда Саид аканинг ўзида ҳам қисман айб бор. Хўжжат ишига пишиқ бўлмади, “Ўзлари бирор кун ҳисобга олиб қўйишар”, деб юраверди. Рўйхатга олишга бепарво қаради.

Аслида эса бу муаммо фақат Саид аканинг оиласигагина тегишли эмас. Қишлоқ жойларда бундай ҳолат кўп учрайди. Кимнинг қачна ери бор, у ерда нима етиштирилляпти, қанча чорва боқилляпти, қайси деҳқонга сув етмаляпти, қимга техника керак — шу маълумотлар аниқ бўлмаса, қишлоқ хўжалиги бўйича қабул қилинаётган қарорлар ҳам умумий бўлиб қолади.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигининг рўйхатга олиш айнан мана шу муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади. Бу жараён орқали ер майдони, экинлар тури, ҳосилдорлик, чорва сони, фермер ва деҳқон хўжалиқларининг ҳақиқий ҳолати аниқланади. Қаерда томорқа еридан тўлиқ фойдаланилмаяпти, қаерда эса сув еки техника етишмаяпти — барчаси аниқ рақамларда кўринади.

Маҳалла, муайян ҳудудда сабзавотчилик билан шуғулланувчи деҳқонлар кўп экани рўйхатда ақ этса, у ерда совитчиқ омонлар, қайта ишлаш цехлари қурилиши режалаштирилади. Ёки чорвачилик билан шуғулланувчилар кўп бўлган маҳаллада ем-хашак базасини мустақамлаш, ветеринари хизмати ва субсидиялар ҳажмини ошириш имкони пайдо бўлади. Демак, рўйхатга олиш қишлоқ хўжалигида кўзбўямачилик эмас, аниқ режа ва адолатли тақсимот асоси бўлади.



РЎЙХАТДАН ЎТИШ “МЕН ҲАМ ҲИСОБДАМАН” ДЕГАН ИШОНЧ БЕЛГИСИ



Бугун бу жараён янада осон йўлга қўйилган. Ҳозир аҳоли ва қишлоқ хўжалиги онлайн рўйхатга олинмоқда. Энди фуқаролар, деҳқон ёки фермерлар ишини ташлаб, идорама-идора юриши шарт эмас. Телефон ёки компьютер орқали, уйдан чиқмаган ҳолда, бир неча дақиқа-ни ҳал этишга хизмат қилади. Бу жараён орқали ер майдони, экинлар тури, ҳосилдорлик, чорва сони, фермер ва деҳқон хўжалиқларининг ҳақиқий ҳолати аниқланади. Қаерда томорқа еридан тўлиқ фойдаланилмаяпти, қаерда эса сув еки техника етишмаяпти — барчаси аниқ рақамларда кўринади.

Энг муҳими, берилган маълумотлар махфий сақланади. Жарима ёки жазо чораларини қўллаш учун эмас, балки ривожланиш режаларини тузиш мақсадида фойдаланилади. Бугун қиртилган ҳар бир маълумот эртаги қишлоқ хўжалигига янги техника, имтиёзли кредит, арзон енгилти, сифатли уруғ ёки қўшимча сув инфратузилмаси бўлиб қайтиши мумкин.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирининг энг асосий ишлари одамларнинг яшаш жойларида ўтказилади, — дейди аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш бўйича вилоят штаби бошлиғи ўринбосари Аноноров. — Шу бонс, Жиззах вилоятида мазкур жараёни пухта ва тизимли ташкил этишга алоҳида эътибор

қаратилди. Хусусан, ҳудуддаги 304 та маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш ишларини ташкил этувчи стационар участкалар, яъни кичик штаблар ташкил этилди. Ушбу штаблар раҳбарлари, ўринбосарлари, асосий рўйхатга олувчилар ҳамда захирадаги ҳодимлар рўйхати шакллантирилиб, вазифалари аниқ-тиниқ белгилан берилди.

Барча штаблар ва стационар участкалар аҳоли ҳамда қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш тадбирини ўтказиш бўйича зарур қўлланмалар, йўриқномалар ва услубий материаллар билан тўлиқ таъминланди. Айни пайтда мазкур участкаларда штаб аъзолари, “маҳалла еттичилиги” вакиллари, турли идора ва ташкилотлар ҳодимлари фаолият юритмоқда. Улар аҳоли билан бевосита мулоқот қилиб, рўйхатга олиш ишларининг сифатли ва ўз вақтида бажарилишини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Қўпчилик учун янги бўлган бу кенг қамровли тадбирнинг моҳиятини аҳолига тўғри ва тушунарли тарзда етказиш энг муҳим вазифаларимиздан. Шу мақсадда ўтган йили Жиззах вилояти

статистика бошқармаси ҳодимлари, штаб аъзолари, “маҳалла еттичилиги” вакиллари ҳамда вилоятда жойлашган алоҳида тоифадаги 19 та ташкилот масъул ҳодимлари учун ўқув-семинарлар ташкил этилди.

Шу билан бирга, тайёргарлик давомида Жиззах вилоятидаги олис ҳудуд тоифасига қиритилган Баҳмал туманидаги Урмончи ва Музбўлоқ Зомин туманидаги Туркман, Ғаллаорол туманидаги Саврук ва Қўйтош, Фориш туманидаги Дўстлик, Наровон, Гараша ва Дарбоза маҳаллаларида, шунингдек, алоҳида тоифадаги 19 ташкилотда, жумладан, стационар шароитда даволанаётган беморлар бўйича рўйхатга олиш ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу эса ҳеч ким эътибордан четда қолмаслиги, ҳар бир фуқаро расмий ҳисобга олинишини таъминлашга хизмат қилади.

Аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш фақат статистик тадбир эмас, балки вилоят, туман ва маҳаллаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тўғри режалаштириш учун мустақам асосдир.

— Ҳаётимда биринчи марта бундай кенг қамровли тадбирда иштирок этипман, — дейди Фориш туманида яшовчи нафақахўр Хусин Алимов. — Илгари рўйхатга олиш дегадига фақат қозғоқ тўлдирини тушунардиқ. Бу сафар эса маҳалламиздаги рўйхатга олиш штаби ҳодимлари тушунишни бериб, амалий ёрдам кўрсатди. Шунинг учун ҳам оиламиз билан биринчилардан бўлиб онлайн рўйхатдан ўтдик.

Хусин ака оила бошлиғи сифатида сўровномани тўлиқ ва аниқ қилиб тўлдирган. Бу жараён унга қутилгандан ҳам осон кечган. “Телефон орқали, кўп вақт сарфламай, ўзим, оила аъзоларим, шунингдек, томорқамиз ва қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ маълумотларни киритдим. Рўйхатдан ўтганимдан сўнг сертификат ҳам олдим. Бу мен учун оддий қозғоқ эмас, балки “мен ҳам ҳисобдаман” деган ишонч белгиси”, дейди у.

Нафақахўрнинг таъкидлашича, аҳоли ва қишлоқ хўжалигини рўйхатга олиш мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ошириш, ҳудудларнинг ривожини тўғри режалаштиришда жуда муҳим.

— Қаерда қанча оила бор, қим нима билан шуғулланылляпти, қишлоқда қандай муаммолар мавжуд — шу маълумотлар аниқ бўлса, самарали қарорлар қабул қилинади. Бу эса охиқ-оқибат ҳар биримизга, оиламизга, фарзандларимиз келажагига хизмат қилади, — дейди пенсиядаги ўқитувчи Хусин ака. — Бу тадбирда қатнашиш ҳар бир фуқаронинг ўз келажати учун қўшган ҳиссасидир. Шунинг учун онлайн рўйхатдан ўтиб, ўз маълумотларини киритсин. Бу орқали маҳалламиз ҳам, туманимиз ҳам, юртимиз ҳам янада обод бўлади.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ФАРОВОНЛИК ХАРИТАСИ

МАҲАЛЛА —

ЎЗБЕК ЖАМИЯТИНИНГ ТАРИХИЙ МЕРОСИ, ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ПОЙДЕВОРИ



Исмоил САЙФНАЗАРОВ,
ТДИУ профессори, фалсафа
фанлари доктори

Президентимизнинг Олий
Мажлис ва халқимизга йўллаган
Мурожаатномаси мамлакат
тараққиётининг асосий

йўналишлари, жамият бирлиги ва давлат сиёсатининг устуворликларини белгилаб берди. Янги Ўзбекистоннинг яқин ва ўрта истиқболи тараққиёти дастурида маҳалла институтига алоҳида урғу берилиши унинг ижтимоий капитални шакллантириш ва миллий бирдамликни мустаҳкамлашдаги бекиёс ўрнини яна бир бор тасдиқлади. Бу маҳаллани нафақат маъмурий бирик, балки бетакрор тараққиёт моделининг марказий бўлини сифатида қабул қилишга қаратилган стратегик ёндашувни акс эттиради.



2026 йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши маҳалла институтига давлат эътиборининг янги босқичига ишорадир. Бу нафақат маҳалла тизimini янада мустаҳкамлаш, инфратузилмасини яхшилаш, кадрлар салоҳиятини ошириш, балки маҳалланинг ижтимоий-сиёсий ролини янада кучайтиришга қаратилган кенг кўламли давлат дастурларини амалга оширишни аңглатади. Ушбу ташаббус маҳаллани мамлакатнинг бутун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг марказига қўйишга қаратилган. Зеро, маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз ҳам шундай намён бўлади.

Эътиборлиси, жорий йил ушбу йўлда жуда катта мақсад ва мўлжаллар белгиланмоқдаки, уларнинг рўёби, шубҳасиз, маҳаллаларни мамлакатимиз тараққиётининг таянч бўлинига айлантиради. Масалан, Президентимиз раислигида 23 январь куни камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 2026 йилда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида жорий йил учун 1 миллион нафар аҳолини доимий иш билан таъминлаш, 181 минг оилани камбағалликдан чиқариш, камбағалликдан холи маҳаллаларнинг сонини 2,5 баробар ошириб, 3,5 мингтага етказиш, ишсизлик ва камбағаллик даражасини 4,5 фоизга тушириш вазифалари белгиланди.

Ёки 2026 йилга мўлжалланган Давлат дастури лойиҳасини олайлик. Бунга доир Президент фармони лойиҳасида қайд этилганидек, жорий йил биргина маҳаллани ривожлантириш йўналиши бўйича маҳаллаларда 10 мингдан зиёд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишга тушириш орқали қўшимча 100 мингта янги иш ўрнини яратиш, маҳаллалар инфратузилмасини такомиллаштиришга 20 триллион сўм маблағ йўналтириб, уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кириш, маҳаллалардаги муаммоларни бир вақтнинг ўзида тезкор ҳал этишда барча давлат органларига масъулиятни юкляб, ажронин 7/24 режимида онлайн назорат қилиш амалиётини йўлга қўйиш каби устувор вазифалар назарда тутилмоқда.

Ҳа, мақсадлини эзгу — одамларни даромадли иш билан таъминлаш, маҳаллаларда замонавий инфратузилма яратиш, мўлжаллимиз аниқ — камбағаллик ва ишсизликни кескин камайтириш, тадбиркорликни ривожлантириш. Юқорида айтганларимиз — устувор вазифалар эса ана шу мақсадга замин яратиши билан аҳамиятлudur.

Маҳалла ривожланиш, бутун мамлакатимиз юксалиди. Демакки, маҳалла жамиятнинг энг асосий пойдевори. Бу — маҳалла даражасидаги барқарорлик ва ижтимоий аҳиллик, умумий миллий барқарорлиқнинг гарови эканини аңглатади. Маҳалладаги ижобий муҳит аҳоли фаровонлигини таъминлашга, ижтимоий муаммоларни эрта аниқлаш ва ҳал қилишга ёрдам беради. Бундан ташқари, маҳалла давлат ва жамият ўртасидаги кўпқирлиқ вазифасини ўтаб, давлат сиёсатининг бевосита аҳолига етиб боришини таъминлайди.

Бу ерда одамлар бир-бирини яхши танийди, қўйинчиликда ёрдам беради, умумий муаммоларни биргаликда ҳал қилади. Маҳалланинг аънанавий тузилмалари, қариялар кенгадари, хотин-қизлар кўмиталари ва ёшлар етакчилари орқали жамоавий қарорлар қабул қилинади, низолар тинч йўл билан ҳал этилади ва жамоат тартиби сақланади. Буларнинг барчаси аҳоли ўртасидаги ўзаро ишонч ва бирдамликни мустаҳкамлаб, ижтимоий капитални бойитади.

Азалдан маҳалла институти юртимизда ҳукм сураётган тинч-осойишта ҳаёт, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш, ёшларни миллий ҳамада умуминсоний қадриятлар — дўстона қўйинчилик ва ўзаро хурмат, меҳр-оқибат, ёрдамга муҳтож инсонларга ғамхўрлик ҳамда ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнига залворли ҳисса қўшиб келади. Маҳалла институти чет эл тажрибасини андоза қила олмайдиган ягона тизимдир. Бунини хорижий экспертлар ҳам эътироф этиб, уни ўрганиш кераклигини таъкидлайди.

Ютуқлар билан бирга халқимиз менталитетига зид, масалан, “Оила — муқаддас” деган азалий ва эзгу ғоя қадрсизланиши билан боғлиқ айрим ҳолатлар ҳам учраётгани ачинарлидир. Бундай пайтда маҳалла катта ижтимоий куч сифатида майдонга чиқиши керак. Чунки фаоллар, кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нурунийларимиз жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодир.



Қолаверса, маҳалла тадбиркорлиқни ривожлантириш орқали камбағалликни қисқартириш, аҳоли фаровонлигини ошириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим марказ. Жамиятимизнинг энг қўйи бўлинигача тушиб, “маҳаллабай” ишлаш тизими йўлга қўйилгани ўзини оқламоқда. Ҳар бир хонадон, ҳар бир оила билан индивидуал режа асосида ишлаб, даромадини ошириш учун етарли ресурс ажратилди. Маҳаллаларни обод қилиш, одамлар ҳаётини яхшилаш ва тадбиркорлик инфратузилмасини ривожлантиришга ҳар йили 2,5-3 миллиард доллар йўналтириляпти. Маҳаллаларга бизнес муҳити, оилаларга эса фаровонлик кириб борганини одамлар ўз ҳаётида ҳис этмоқда.

Бундай кенг кўламли сайёҳ-ҳаракатлар ҳисобига Ўзбекистон 2030 йилга қадар камбағалликни 2 қарра қисқартириш бўйича олган мажбуриятини барвақт бажаришга ҳаракат қиялпти. Олдинга қўйилган мақсадларга эришиш учун етита устувор йўналишни ўз ичига олган “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастури амалга оширилмоқда.

Одамларнинг билимини оширмасдан туриб, уларни “камбағаллик гирдоби”дан чиқариш имконсиз. Шу боис, мамлакатимизда сифатли таълим асосида инсон капиталини ривожлантиришга узоқ муддатли истиқболда камбағалликни қисқартиришнинг асосий

“драйвери” сифатида қаралмоқда. Биргина мисол, болажонларнинг боғчалардаги қамрови 27 фоиздан 78 фоизга ошгани натижасида 1 миллион нафар аёл таълим олиш, касб-хунар ўрганиш ва даромад топиш имконига эга бўлди. Бу ишларни давом эттириб, камбағал оилалар фарзандларини мактабга таълим билан тўлиқ қамраб олиш учун барча шароитлар яратилмоқда. Ҳар бир камбағал оиланда камиди 1 нафар олий маълумотли йигит ёки қиз бўлиши учун имтиёзли таълим кредити ва давлат грантлари кўпайтириляётгани қувонарли. Бундай оилаларни аниқлашда, албатта, маҳалланинг ўрни алоҳида.

Шу билан бир қаторда, ҳудудларда инфратузилмани яхшилаш, одамларга яшаш учун қўлай шароитлар яратиш — кўп ўлчовли камбағалликни қисқартиришда муҳим қадам бўлади. Шу мақсадда дастур асосида қарийб 3,5 миллион аҳоли яшайдиган, шароити огир мингта маҳаллада инфратузилма яхшиланиши белгиланди. Натижада 2025 йилда 470 минг хонадонга қарашли томорқага сув борди, яна

тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларни оқилона ҳал этиш, тинчлик-осойишталикни асраб-авайлашда бизга берилган катта имконият бўлди. Бинобарин, жойларда муаммоларни ҳал қилишнинг яхлит ва таъсирчан вертикал тизими янада мустаҳкамланади.

Маҳаллани ривожлантириш бўйича белгиланган вазифаларни, аввало, ўз иш устубимиз учун асосий тамойил сифатида белгилан олишимиз, бу ғояларни кенг жамоатчилик орқали халқимиз турмуш тарзи ва маданиятига синдиришимиз лозим. Натижада мамлакатимизнинг барча ҳудудларида обод гўшалар, кўркам масканлар, маҳаллаларимизда намунавий хонадон ва кўчалар сони ортис бораверади. Ана шундагина одамларимизнинг ҳаётга ишончи юксалиб, яшашга, келажакка интилиши янада кучаяди.

Жойларда тегишли топириқлар ижросини таъминлаш доирасида маҳаллалардаги ҳар бир кўчани ободонлаштириш, хонадон ва томорқа маданиятини ривожлантириш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган тадбирларни кенгайтириш лозим. Ижтимоий фаол кекса одамлар исрофгарчиликка эмас, балки илм-фанга, фарзандларини билимли қилишга пул, сармоя ажрата бошлайди. Маҳаллаларимизда чинакам маънадога миллий қадриятлар мустаҳкамлана бошлайди.

Қолаверса, Учинчи Ренессанс устунлари бўлган профессор-ўқитувчи ва педагогларнинг талабалар билан бирга маҳаллага кириб келиши маҳалла ривожига, қиёфасининг ўзгаришига, камбағал оилалар камайишига олиб келади. Фаол талабалар маҳаллалардаги уюшмаган ёшларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Жойларда ўқувчилар билан учрашувлар ташкил этиляпти. Талабалар лойиҳа доирасида мактаб ўқувчилари билан учрашиб, ўзларининг бўлажақ касблари ҳақида ёшларга тушунар беришмоқда. Бу жараён ўқувчи ёшларда касбга оид маълум тасаввурлар ҳосил қилишга ёрдам беради.

Шу билан бирга, ёшлар ўз маҳалласи тарихи, таниқли инсонлари ҳақида маълумотга эга бўлади. Бу эса эртанги кун эгаларида ахлоқий



лойиҳаларни бажариш, изланиш олиб бориш, уларни тақдимот қилиш жараёнида талабанинг дунёқарашига ижобий таъсир этмоқда, уларда маълум бир маънавий юксалиш сезилмоқда. Мазкур таърибани бутун республикада оммалаштиришга киришилди. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги,

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Ёшлар ишлари агентлигининг 2025 йил 13 августдаги “Олий таълим ташкилотларида “Менинг маҳаллам — менинг фахрим” лойиҳасини ташкил этиш тўғрисида”ги қўшма қарори қабул қилинди. Мазкур лойиҳа бевосита университетимиз бошчилигида амалга ошириляпти. Лойиҳа талабаларда юртта садоқат, бағрикенглик, ватанпарварлик ва меҳр-оқибат ҳиссини ривожлантириш, жамиятимиз асоси бўлган маҳалла институтининг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишга хизмат қилади.

“Менинг маҳаллам — менинг фахрим” лойиҳасида ортиқча дабдабозлик йўқ, аксинча, бу оддий кундалик ишимиз сифатида намён бўлиши керак. Яъни олий таълим муассасалари фалсафа фанини ўқитиш жараёнида мустақил ишни бажариш учун талабаларни ўз маҳаллаларига йўллайди, тайёрлаган тақдимотини баҳолайди. Маҳаллалар эса талабаларга лойиҳани бажариш учун шароит яратди, ёшлар етакчиси талаба билан ҳамкорлик қилади, талабани маҳалла фаолиятига жалб этади.

Ҳудди шу каби маҳалла хотин-қизлар фаол талаба қизларимиз билан ҳамкорлик қилади. Аълочи, жамоат ишларида фаол талабалар ва уларнинг ота-оналари моддий ва маънавий рағбатлантирилади. Бу эса ёшлар, умуман, аҳолининг илм-фанта қизиқишини кучайтиради, ёшлар ўз маҳалласи билан танишади, кейинчалик қаерда бўлишидан қатъи назар, маҳалласини эслаб юради. Ҳуллас, ушбу ташкилотлар ҳамкорлигида ҳар йили маҳаллаларга камиди 300-400 минг талаба боради, бу эса катта муваффақият — жамиятимизда миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлигига эришишга катта ҳисса қўйиш дегани.

Мамлакатимизда 1 миллион 700 мингдан зиёд талаба бор. Агар лойиҳа уларнинг барчасини қамраб олса, маҳалла чинакам қадриятлар масканига айланади. Чунки ёшлар, талабалар ғояга бой, ташаббускор. Талабаларнинг ана шундай креатив ғоялари маҳаллани ҳаракатга келтиради. Тўй ва маросимлар ўтказишга, дангиллама иморат ва ҳашаматли автотомобиллар сотиб олишга муккасидан кетган одамлар исрофгарчиликка эмас, балки илм-фанта, фарзандларини билимли қилишга пул, сармоя ажрата бошлайди. Маҳаллаларимизда чинакам маънадога миллий қадриятлар мустаҳкамлана бошлайди.

Қолаверса, Учинчи Ренессанс устунлари бўлган профессор-ўқитувчи ва педагогларнинг талабалар билан бирга маҳаллага кириб келиши маҳалла ривожига, қиёфасининг ўзгаришига, камбағал оилалар камайишига олиб келади. Фаол талабалар маҳаллалардаги уюшмаган ёшларга ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Жойларда ўқувчилар билан учрашувлар ташкил этиляпти. Талабалар лойиҳа доирасида мактаб ўқувчилари билан учрашиб, ўзларининг бўлажақ касблари ҳақида ёшларга тушунар беришмоқда. Бу жараён ўқувчи ёшларда касбга оид маълум тасаввурлар ҳосил қилишга ёрдам беради.

Шу билан бирга, ёшлар ўз маҳалласи тарихи, таниқли инсонлари ҳақида маълумотга эга бўлади. Бу эса эртанги кун эгаларида ахлоқий

Кези келганда яна бир фикрни айтиш ўринли. Лойиҳа эзгуликка, ёшларни умуминсоний қадриятлар, ватанпарварлик руҳида тарбиялашга ҳисса қўшаётган экан, демак, ижтимоий фанларга эътибор кучайтириляётгани самара берапти. Акс ҳолда, дунёқараш бир томонлама шаклланган, ўзидан бошқани ўйламайдиган, халқ, давлат ва жамият тушунчаларидан бегона ва бугунги кунда чет элларда “бой берилган авлод” дея аталаётган ёшлар синфи бизда ҳам вужудга келиши мумкин эди.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида “Бундан 60-70 йил илгари Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қийинчилик ва моддий тақчиллик йилларида хорижда ишлаб чиқилган ва асосан, маънавият ва гуманитар таълимга пул сарфлаш зарур эмас деб ҳисобланган ва мутлақ ғоясизликка асосланган ижтимоий концепциянинг оқибатлари қандай бўлганини бугун кўриб турибмиз”, дея қайд этади. Демак, ижтимоий фанларни ўқитишга эътиборни амалигимиз керак. Беш йил, ўн йил ўтар, сарфланган маблағ исзис кетмакчаннинг гувоҳи бўламиз.

Жанубий Корея, Япония, Сингапур каби давлатлар таърибаси ҳам таълим ва тарбияга сарфланган молия ўзини оқлаганини бутун дунёга намён қилди. Шундай экан, таълим тизимининг барча босқичларида ижтимоий фанларни қай тарзда тақсимлаш, ўқитиш ва амалиёт соатларини қандай ташкил этишга доир махсус концепцияни ишлаб чиқиш эҳтиёжга айланади. Шу сабабли Президентимиз “Янги Ўзбекистон стратегияси” асарида айтганидек, “Узлуксиз таълим тизимида ижтимоий фанларни ўқитиш тартиби ва тамойиллари тўғрисида” қонун ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш эҳтиёжи мавжуд. Шундагина биз миллий иқтисодийетимизнинг барча соҳаларида ҳар томонлама билимли, чинакам соҳонавий кадрларни тайёрлашга эришамиз.

2026 йилнинг мамлакатимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилиниши маҳалла институтига давлат эътиборининг янада ошгани, маҳаллалардаги бунёдкорлик ишларининг янги босқичига ишорадир. Бу нафақат маҳалла тизimini янада мустаҳкамлаш, унинг инфратузилмасини яхшилаш, кадрлар салоҳиятини ошириш, балки маҳалланинг ижтимоий-сиёсий ролини янада кучайтиришга қаратилган кенг кўламли давлат дастурларини амалга оширишни аңглатади. Ушбу ташаббус маҳаллани мамлакатнинг бутун ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг марказига қўйишга қаратилган.

Биз маҳалланинг халқ билан давлат ўртасидаги “кўприк” вазифасини амалга оширувчи мустақил ва халққил тузилмага айланишини таъминлашимиз, уни жамоатчилик бошқаруви ва назоратининг таянч бўлинига айлантиришимиз, жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтиришимиз лозим. Бунинг учун эса маҳалла бошқарувида аҳолининг фаол иштирокчини таъминлаш, ҳар бир фуқаро ўзи ва оиласининг келажига, молиявий аҳоли ва фаровонлигини таъминлашда масъулиятни сезиши, боқимандаликка ўрганмаслиқ ҳиссини янада кучайтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини кенгайтириш зарур.

Ўз навбатида, булар фуқароларнинг ўз ўйи ва кўчасини озода сақлаш, миллий қадрият ва урф-одатларини ҳурмат қилиш, маънавий ва маърифий аҳоли ўртасида маҳалланинг ўрнини кучайтириш, аҳоли ўртасида ўзаро хурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, “маҳалла еттичилиги” томонидан маҳалланинг ички ресурсларини аниқлаш ҳамда уларни ижтимоий хизматлар ва ёрдам кўрсатишга сафарбар этади. Шунингдек, маҳаллалардаги муаммоларнинг ўз вақтида ва самарали ечилишида давлат органлари ва ташкилотларининг маҳаллалардаги вакиллари сайёҳ-ҳаракатларини бирлаштириш, маҳалланинг молиявий имкониятларини ошириш, камбағал фуқароларга ажратилётган бюджет ва бошқа маблағларнинг мақсадли ва манзилли йўналтирилишини таъминлаш, маҳаллаларнинг моддий-техник таъминотини яхшилаш, соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга хизмат қилади.

Қисқаси, Президентимизнинг навбатдаги Мурожаатномаси Ўзбекистоннинг бугунги ва келажак тараққиётида маҳалла институтининг муҳимлигини стратегик даражада белгиллаб берди. Маҳалла бу — нафақат ўзбек жамиятининг тарихий мероси, балки ижтимоий капитали шакллантирувчи, миллий бирдамликни таъминловчи, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбияловчи ва умуман, мамлакат тинчлиги ҳамда равнақдаги асосий пойдевор ҳамдир.

Абдурахим НОСИРОВ,
филология фанлари доктори,
профессор

Сўнгги пайтларда Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Президентимиз ташаббуси билан камбағалликни камайтириш масаласи иқтисодий, ижтимоий ва таълим ислохотларининг марказига олиб чиқилди. Мана шу ислохотлар самараси ўлароқ, Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ўтган йили камбағаллик даражаси 8,9 фоиздан 5,8 фоизгача пасайганини маълум қилди. Яъни 2025 йилда 5 миллион аҳоли даромадли бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизгача тушган. Қарийб 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиққан. Илк бор 1435 та маҳалла камбағалликдан холи ҳудудга айланган. Камбағал оиаларга мансуб 168 минг бола давлат боғчаларига имтиёзли асосда қабул қилинган.

Мазкур масалада ривожланаётган мамлакатлар таърибасига қарасак, камбағалликни камайтириш нафақат моддий ёрдам, балки инсон капиталини ривожлантириш орқали амалга оширилаётгани аён бўлади. Таълим, касбий малака ва замонавий кўникмаларни шакллантириш бу борада муҳим омил ҳисобланади. Глобаллашув шароитида инсон капиталининг сифат кўрсаткичлари мамлакат рақобатбардошлигини белгилайди. Айниқса, чет тилларини билиш меҳнат бозорида устулик беради. Мазкур мақола асосида Ўзбекистонда камбағалликни қисқартириш жараёнида чет тилларини ўргатишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини таҳлил этиб, хорижий таърибани ўрганиш ҳамда амалий тақлифлар тавсия қилишни мақсад қилдик.

Президентимизнинг яқинда Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда хориждаги дипломатик вақолатхоналар фаолияти масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида дунёдаги ТОП-100 таллика кирувчи етакчи хорижий олий таълим муассасаларини Ўзбекистон олийгоҳларига ҳамкор сифатида жалб этиш ҳамда фуқароларимизни хориж давлатларига юқори даромадли ишга юбориш масаласи ҳам кўтарилди. Албатта, бунда юрдошларимиз хорижий тилларни ҳеч бўлмаганда бошланғич мулоқот даражасида ўрганиб бурса, натижа янада ошади.

Камбағаллик иқтисодий адабиётларда даромад етишмаслиги, имкониятлар чеклангани сифатида талқин қилинади. Илмий асосланган инсон капитали назариясига кўра, таълимга, малака оширишга сарфланган сармоя жисмоний капиталга киритилганидек иқтисодий самара беради. Шу маънода, мамлакатимизда



аҳолини камбағалликдан чиқаришнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида билим-ли, ташаббускор ва чет тилларини биладиган авлодни тарбиялашга эътибор қаратилаётгани диққатга сазовордир. Ушбу ёндашув, яъни инсон капиталини ривожлантириш масаласини камбағалликни қисқартириш сиёсатининг



марказига қўяди. Бинобарин, чет тилларини билиш шахсининг иқтисодий фаолигини ошириб, уни глобал меҳнат бозорига интеграция қилади.



Иқтисодчи олим Амартия Сентнинг фикрига кўра, инсоннинг камбағал ёки фаровон экани унинг қанча пул ишлаши билан эмас, балки қандай имкониятларга эгаллиги билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан, таълим ва касбий кўникмалар, жумладан, чет



тилларини билиш камбағалликдан чиқишнинг муҳим шартларидан бири, десак ҳато эмас. Глобаллашув шароитида чет тилларини билмаган шахс меҳнат бозори рақобатига дош бера олмайди. Аксинча, инглиз, француз, немис ёки корейс тилларини билган инсон

Чет тилларини эгаллаган шахс кўп функцияли мутахассистга айланади, халқаро меҳнат бозорида рақобатбардош бўлади, замонавий технологиялар ва билимларга тезроқ мослашади.



халқаро компанияларда ишлаши, масофавий меҳнат бозорига чиқиши, юқори маошли хизмат билан банд бўлиши мумкин.



ТИЛ БИЛИШ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДА ҚАНЧАЛИК АҲАМИЯТЛИ?

Шу боис, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш “фақат моддий ёрдам эмас, балки даромад манбаларини яратиш” тамо-йили асосида амалга оширилмоқда. Бу эса аҳолининг билим ва кўникмаларини, жумладан, чет тилларини ўрганиш орқали меҳнат бозоридagi рақобатбардошлигини ошириш-ни талаб этади. Айниқса, ёшлар ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг хорижий тилларни бил-маслиги уларнинг юқори маошли ишларга жойлашиши, хорижий инвестиция лойиҳа-ларига иштирок этиши, масофавий иш им-кониятларидан фойдаланишнинг чеклаб қўй-моқда. Демак, Ўзбекистонда камбағалликни қисқартиришда чет тилларини ўргатишнинг ижтимоий-иқтисодий зарурат сифатида ба-ҳолаш мумкин бўлади.

Глобал иқтисодиётга кириш воситаси

Инсон капитали бу — ёшларнинг билим, кўникма, малака ва таъриблар мажмуаси бў-либ, унинг меҳнат бозори ҳамда жамиятдаги иқтисодий қўяматини белгилайди. Замонавий иқтисодий тадқиқотларда чет тилларини би-лиш инсон капиталининг муҳим таркибий қис-ми сифатида эътироф этилади. Чет тилларини эгаллаган шахс кўп функцияли мутахассистга айланади, халқаро меҳнат бозорида рақобат-бардош бўлади, замонавий технологиялар ва билимларга тезроқ мослашади. Британиялик лингвист Дэвид Кристалнинг фикрича, тил — глобал иқтисодиётга кириш воситасидир.

Бугунги кунда инглиз тили глобал иқти-содиёт, АТ, фан ва таълимнинг асосий тили ҳисобланади. Инглиз тилини билиш халқаро компанияларда ишлаш, масофавий бандлик, хорижий грант ва стипендияларни қўлга кири-тиш имкониятини оширади.

Немис тили Европанинг етакчи саноат дав-латлари — Германия, Австрия ва Швейцария

билан иқтисодий ҳамкорликда муҳим роль ўй-найди. Немис тилини билган мутахассислар техника ва муҳандислик, дуал таълим, саноат ишлаб чиқариш соҳаларида юқори даромадли ишга эга бўлади.

Жанубий Корея Ўзбекистоннинг муҳим инвестицион ҳамкори ҳисобланади. Корейс ти-лини билиш ушбу мамлакат компанияларида ишлаш, меҳнат миграцияси орқали барқарор даромад топиш, технологик тажрибани ўзлаш-тиришда қўл келади.



Хитой тилини билиш “Бир макон — бир йўл” ташаббуси доирасида савдо, логистика ва саноат лойиҳаларида иштирок этиш имко-ниятларини кенгайтиради. Хитой тилига эга мутахассислар тадбиркорлик фаолиятида ҳам устуниikka эга бўлади.

Француз тили 30 дан ортиқ давлатларда расмий ёки ишчи тил бўлиб, Европа, Африка ва халқаро ташкилотларда кенг қўлланила-ди. Француз тилини билиш Европа Иттифоқи ва БМТ тизимидаги ташкилотларда ишлаш, халқаро дипломатия, туризм ва таълим соҳа-ларида бандликни ошириш учун муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, француз тилини би-лиш Ўзбекистон ёшларига Франция ва Канада (Квебек)даги грант ва стипендия дастурларида иштирок этишга йўл очади, бу эса ижтимоий ҳаракатчанликни куайитиради.

Ўзбекистонда 2012 йилдан буён тизимли тил сиёсати изчил равишда шакллантириб ке-лимоқда.

Биринчидан, инглиз тили аввалгидек бе-шсини синфдан эмас, балки биринчи синфдан, ҳатто боғчадан бошланади.

Иккинчидан, кўп тиллилик стратегияси — 10 та эмас, балки 16 та хорижий тилни қараб олади. Сертификатлаш тизими жорий этилди. Чет тили ўқитувчилари мактабда В2, олий таълимда С1 даражадаги халқаро ёки миллий сертификатга эга бўлиши керак. Бу 40-50 фоиз иш ҳақи бонуси билан бирга келади. Бу кучли рабатлантирувчи омил, аммо тизим учун ул-кан қийинчилик ҳамдир.

Учинчидан, умумий ўрта таълим мактаблари-да иккинчи чет тиллари ҳам ўқитила бошланди. 106 та мактабда немис, 61 та мактаб француз, 24 та мактабда корейс, 8 та мактабда япон, 4 та мактабда хитой тили шу асосда ўргатилмоқда.

Тўртинчидан, Кембриж ўқув дастури ва STEM таълими бутунлай инглиз тилида ўқити-ладиган 14 та Президент мактаби ташкил этил-ди. Натижалар эса жуда юқори: битирувчилар-нинг 68 фоизи энг юқори баҳоларга эришди.



Шунингдек, айна пайтда республикамиз-даги 10 минг 17 та мактабда инглиз тили, 833 мактабда немис тили, 560 мактабда француз

миграцияси жараёнида ҳам тил билиш муҳим роль ўйнайди. Бу ҳолат камбағалликдан чи-қиш жараёнида тил билишнинг бевосита таъ-сирини кўрсатади.

Ўзбекистонда камбағалликни қисқарти-ришда меҳнат миграцияси муҳим даромад манбаларидан бири ҳисобланади. Миграция жараёнида чет тилларини билиш мигрант-ларнинг иш шaroити, иш ҳақи миқдори, ҳуқуқий ҳимояси даражасига бевосита таъ-сир кўрсатади. Тил билмаган мигрантлар, асосан, паст малакали ва кам ҳақ тўланади-ган ишларга жалб қилинса, тил биладиган шахслар хизмат кўрсатиш, техник ва мала-кали соҳаларда банд бўлиш имкониятига эга. Масалан, Жанубий Кореяда корейс ти-лини билган мигрантлар Е-9 визаси орқали юқори маошли ишларда ишлайди. Туркияда эса турк тили қурилиш, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаларида бандликни енгиллаштиради. Европа давлатлари (Гер-мания, Франция)да ушбу мамлакат тилини билиш дуал таълим ва қонуний меҳнат миг-рацияси дастурларида иштирок этишга йўл очади.

Хорижий таъриба

Бу борада дунё мамлакатлари ўзига хос таърибага эга. Мисол учун, Жанубий Кореяда инглиз ва корейс тилини профессионал дара-жада ўргатиш орқали ёшларнинг бандлиги оширилган, экспортга йўналтирилган кадрлар тайёрланган, меҳнат бозорида юқори даромад-ли иш ўринлари яратилган.

Ҳиндистонда инглиз тили АТ ва хизмат-лар экспортининг асосий омилга айланган. Инглиз тилини билган ёшлар глобал компа-нияларда масофавий ишлайди, ўртача даромад даражаси кескин ошади.

Вьетнамда инглиз ва корейс тиллари ор-қали хорижий инвестициялар жалб қилинган. Францияда француз тили таълим ва диплома-тия орқали ижтимоий тенгликни таъминлаш воситаси сифатида қўлланилади.

Ўқоригидаги таҳлиллар ва муаммолар асо-сида айтиш мумкинки, Ўзбекистонда “чет тиллари — инсон капитали — бандлик — даромад — камбағалликни қисқартириш” зан-жирини иқтисодий сиёсатнинг муҳим қисми сифатида ривожлантириш айна мудиоир.

Бунда қўйидагиларни амалга ошириш мақ-садга мувофиқ:

— касбага йўналтирилган чет тили таълими-ни жорий этиш (масалан, АТ учун инглиз тили, туризм учун француз тили, ишлаб чиқариш учун немис тили каби);

— қишлоқ жойларда бепул ёки имтиёзли тил курсларини кўпайтириш;

— тил сертификатларини бандлик дастур-лари билан боғлаш, сертификатга эга ҳоdim-ларни ишга жойлаштиришда барқарорликка эришиш;

— Швеция, Дания, Норвегия, Финляндия каби давлатларга ишга кетаётганлар учун чет тилларини ўқитишни йўлга қўйиш, бу мақсад-да хориждан таърибали ўқитувчиларни жалб қилиш;

— олий таълим муассасаларида чет тилла-рида ўқитиладиган фанлар улушини ошириш; — француз, немис ва корейс тилларини дипломатия, туризм ва меҳнат миграция стра-тегиялари билан уйғунлаштириш.

Умуман олганда, Ўзбекистонда чет тилла-рини ўргатиш камбағалликни қисқартириш-нинг узоқ муддатли ва барқарор механизми ҳисобланади. Таълим орқали инсон капитали ривожланиб, аҳоли даромади ҳам, ижтимоий фаровонлиги ҳам ошади. Билимli мутахас-сис — рақобатбардош кадр. Бу нафақат ало-ҳида шахс, балки бутун жамият учун фойда-лидир. Шу маънода, чет тилларини ўқитишни янада такомиллаштириш Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётида стратегик аҳамият касб этади.

ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ИЛМIIY ТАДҚИҚОТЛАР САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА



“ЎЗБЕКИСТОН — 2030” СТРАТЕГИЯСИ

“Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг такомиллаштирилиши, унда белгиланган вазифаларнинг янгиланиши мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигида муҳим аҳамият касб этади. Хужжат лойиҳасида олий таълим билан боғлиқ қатор устувор мақсадлар ҳам жой олган. Уларнинг рўёбга чиқарилиши натижасида қўйидагилар самарадорлик кўрсаткичлари йиллар кесимида акс эттирилган.

Олий таълим тизимида амалга оширилаёт-ган вазифалар таҳлили унинг мамлакат тарақ-қиётини белгилаб бeрyвчи стратегик омилга айланаётганидан далолатдир.

2025/2026 ўқув йилида ёшларнинг олий таълим билан қамров даражаси 44 фоиздан ошди. Ушбу натижага ҳудудларда давлат ва но-давлат олий таълим ташкилотлари фаолиятини кенгайтириш орқали эришилди. Соҳада соғлом рақобат муҳити яратилди ва талабаларга кенг танлов имконияти берилды.

Президентимизнинг 2024 йил 24 майдаги “Олий таълим ташкилотларига ўқишга қабул қилиш ва давлат буюртмасини жойлаштириш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, олий таълим ташки-

лотларида кадрлар тайёрлаш бўйича давлат буюртмасини шакллантириш тартиби ислоҳ қилинди. 2024/2025 ўқув йилидан бошлаб дав-лат буюртмаси параметрларини тақсимлаш амалиёти беқор қилиниб, бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассислик-лари бўйича кундузги таълим шакли учун янги тартиб жорий этилди.

Олий таълим муассасалари глобал рей-тингларда тобора кўпроқ иштирок этмоқда. Бу халқаро стандартларга интеграциялашув, академик мукамалликка содиқлик ва дунёга очилишгичимизни намойиш этмоқда.

— 2025 йилда дунёнинг энг нуфузли “ТОП-1000” олий таълим ташкилотлари рейтингига киритилган республика олий таълим ташки-



лотлари сони 3 тага етди, — деди Олий таъ-лим, фан ва таълим вазирлиги Олий таълим ташкилотлари департаменти бошлиги Абдусамат Маманазаров. — Бу Ўзбекистон

олий таълим тизимининг халқаро даражада эътироф этилишида муҳим қадам бўлиб, мам-лакатимиз университетларининг илмий тадқи-қот салоҳияти ва таълим сифатини ошириш

УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ
ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



бўйича қилинаётган ишларнинг самарадорли-гини кўрсатади. Йил давомида олий таълим дастурларини халқаро аккредитациядан ўт-казиш бўйича фаол ишланди. Натижада 45 та олий таълим дастури халқаро аккредитациядан муваффақиятли ўтди.

2025/2026 ўқув йили учун “ТОП-500”га кирган 17 та хорижий олий таълим ташкилоти билан ҳамкорликда қўшма таълим дастурлари амалга оширилди. 2 та таълим йўналиши ва 15 та магистратура мутахассислиги бўйича қўшма таълим дастурлари экспертизадан ўтқа-зилди, 317 та қабул квотаси тасдиқланиб, ўқув жараёналари муваффақиятли ташкил этилди.

Такомиллаштирилаётган стратегия лойиҳа-сида “ТОП-500” рейтингига (QS, THE, ARWU) кирадиган хорижий университетлар билан ҳамкорликда камиди 50 та қўшма таълим дасту-ри асосида “икки дипломи тизим”ни жорий этиш вазифаси келтирилган. Бу талабанинг халқаро стандартлар асосида таълим олиши, дунё меҳнат бозорида рақобатбардош кадр бў-либ етишишига замин ҳозирлайди.

Ўтган йилда олий таълим ташкилотларида моддий-техник базани мустаҳкамлаш бўйича кенг қўлмli ишлар қилинди. Янги ўқув биноларини қуриш ҳисобига қўшимча 8500 ўқув ўрни яратил-ди. Қўшимча 120 минг ўринли ўқув биноларини қуриш стратегия лойиҳасидан ўрин олган.

— Талабанинг таълимдан ташқари ҳаёти, унинг ижтимоий муҳити ва яшаш шароити таълим сифатига бевосита таъсир қилади, — дейди Абдусамат Маманазаров. — Ўтган йили республикамиз олий таълим ташкилотларида 12 минг 110 ўринли 18 та талабалар турар жойи марказлашган ҳолда талабалар ихтиёрига топ-ширилгани таълим сифати, инсон манфаатига қаратилаётган эътибордан далолат беради. Та-комиллашаётган стратегияда ана шу ҳаётбахш

ислохотлар давом эттирилиб, 2030 йилга қадар 150 минг ўринли талабалар турар жойларини қуриш режалаштирилган. Бу талаба учун бар-қарор муҳит яратиши бораборида ижтимоий ҳимоясини ҳам таъминлайди.

Мамлакатимизда илмий тадқиқот фа-олиятини қўллаб-қувватлаш, ёш олимлар ва тадқиқотчиларни рағбатлантириш, улар учун муносиб шарт-шaroит яратишга катта эъти-бор қаратилаётир. Замонавий лабораториялар, илмий марказлар ва технопарклар ташкил эти-лиши, халқаро грантлар ва лойиҳаларда фаол иштирок этиш имкониятлари яратилиши фи-қримизга далил бўла олади.

2025 йил давомида Инновацион ривожла-ниш агентлиги томонидан 4 та фундаментал танлов эълон қилинди. Танловларга математика, биология, кимё, геология, физика, эпиде-миология, сейсмология, биологик химиа-хил-лик, муҳандислик каби йўналишларда 89 та фундаментал тадқиқот лойиҳа талабномалари келиб тушди. Шундан давлат илмий дастурула-ри доирасида умумий қиймати 96,4 миллиард сўм бўлган 36 та лойиҳа саралаш босқичлари-да ижобий баҳоланди ва молиялаштирилди.

Такомиллашаётган стратегияда фундамен-тал тадқиқотлар йўналишида хорижий ҳам-корликдаги илмий лойиҳалар сонини 200 тага етказиш белгиланган. Давлат бюджети ҳисо-бидан амалга ошириладиган амалий тадқиқот лойиҳалари сонини 1600 тага етказиш, иқтисо-диёт тармоқлари муаммоларига бағишланган 400 та амалий тадқиқот лойиҳасини улушли молиялаштириш орқали ташкил қилиш каби вазифалар белгилангани эзгу мақсадга эри-шишда муҳим босқич ҳисобланади.

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Миллий маданиятимиз ва сайёҳлик — дунё ҳамжамияти нигоҳида

Миллий статистика қўмитаси маълумоти-га кўра, 2025 йилда Ўзбекистонга 11,7 миллион чет эл фуқароси саёҳат мақсадида кел-ган. Бу кўрсаткич 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 3,7 миллион нафар ёки 46,8 фоиз ошган.

Касбимиз тақозоси туфайли семинар, конференция, тақдимот, кўргазма, ярмарка, премьер ва бошқа шу каби кўплаб тадбир-ларда иштирок этамиш. Баъзан қисқа муддат-ли тадбирлар ҳам одамни чарчатиб қўяди. Сабоби — ўта зерикарли! Мутасаддилар мақ-садни аниқ қўймайди, айтиш ва кўрсатишга аризгулик нарсанинг ўзи йўқ. Тадбир номига-гина ва ҳисобот учун ташкил этилган бўлади. Сўнгги йилларда қатнашиш ва ёритишга аризгулик анжуманлар кўпайиб қолди. Масалан, Самарқанд шаҳрида ўтказилган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фести-валини олайлик. Қайноқ ва кўтариник руҳда давом этадиган йирик халқаро тадбир барча-ни бирдек ўзига ром қилади. Биз каби мух-бирлар чет эллик меҳмон ва мутахассисларни саволга тутишга ишқибоз. Бойси, улар савол-ларга ранг-баранг ва ўзига хос жавоб беради. Бу фикр-мулоҳаза ҳамда таассуротлар ҳар қандай мақолага жон кирғизади. 2024 йилда бўлиб ўтган фестиваль иштирокчилари бил-дирган айрим эътирофларни ўқисангиз, ўзин-гиз ҳам ишонч ҳосил қиласиз.

— Ушбу мусиқа байрами нафақат турли халқлар маданияти, санъати, балки латиф ва бетакрор, муқаддас ва барҳаёт Шарқ дурдо-наси — Самарқанд тарихи билан яқиндан танишиш имкони ҳамдир, — дейди Токио санъат университети илмий ходими Ясуда Маамио. — “Шарқ тароналари” халқаро му-сиқа фестивали аллақачон “Жаҳон халқла-ри тароналари” кўрингига айланиб улгурди. Санъат байрамидя янграган асарларнинг ак-сарияти мусиқа дурдонаси даражасига кўта-рилди.

— Ўзбек диёри билан масофамиз олис, аммо кўнглимиз яқин, — дейди АҚШ-дан келган мусиқашунос олим Жон Мак Коллум. — Бу яқинлиқни “Шарқ таронала-ри” мусиқа фестивали янада мустаҳкамла-моқда. Унинг доирасида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференцияда маълумот-ларга ошно бўлади. Маданият ва тарих шу зайилда туризм соҳасига таъсир кўрсатади.

Бугун юртимизда “Шарқ тароналари”дан ташқари “Лазги”, “Мақом”, “Аския”, “Бах-шичилик” санъати, “Дунё садолари” эстрада, “Бойсун баҳори” фольклор фестиваллари, “Ипак ва зирavorлар”, “Атлас” байрамлари, Бутунжаҳон хунармандчилик кўриклари син-гари нуфузли анжуманлар, маданият кунла-ри, тасвирий ва амалий санъат кўргазмалари ҳамда бошқа муҳим тадбирларни ўтказиш тизимли йўлга қўйилган. Бу эса Ўзбекистон-нинг жаҳон аҳлини тинч-тотувлик, қардош-лик ва аҳилликка қақирадиган эзгу даъвати сифатида дунё ҳамжамияти эътиборини торт-моқда.

“Ипак йўли” музейига “Самарқанд мероси йўлаг” орқали борамиз

XXI аср сайёҳларини осмонўпар бинолар ёки жилавор қора ойна қопланган баҳайбат иншоотлар билан ҳайратлантириб бўлмай қол-ди. Бугун томошасевар ва саёҳатсевар одамга миллийлик, ўзига хослик керак. Шу маънода, иқтисодиётимизнинг асосий бўғинларидан бирига айланиб улгурган туризм соҳасида-ги имкониятларни ишга солган ҳолда амалга ошириладиган тизимли ислохотлар самараси эътирофга молик. Юртимиз довругини ёйиш-да замонавий ва миллий бунёдкорлик ишлари, сайёҳлик манзилларини кўпайтириш каби жиҳатлар мавжуд. Бугун ушбу йўналиш янги ривожланиш босқичига ўтмоқда.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон халқаро маданият маконидаги мавқеини изчил мус-таҳкамлаб олди. 2025 йилда Самарқандда ЮНЕСКО Бош конференциясининг 43-сессияси ўтказилди. Тадбир якунларига кўра, Ўзбекистоннинг маданий меросни муҳофа-за қилиш, таълим ва креатив иқтисодиёт бўйича ташаббусларини амалиётга жорий этиш бўй-ича “йўл харитаси” ишлаб чиқилди ва тас-диқланди.

Мамлакатимизнинг Японияда бўлиб ўтган ЭКСПО-2025 бутунжаҳон кўргазмасида таш-кил этилган “Билимлар боғи” павильонига 1 миллионга яқин одам келгани халқаро ОАВда кенг ёритилди.



15 январь куни Президентимиз ҳузури-да халқаро маданий тадбирлар натижалари, туризм соҳасини ривожлантириш бўйича навбатдаги вазифалар ҳамда йирик маданият ва туризм объекларини барпо этишга оид тақдимот ўтказилди. Маълум қилинганидек, 2025 йилда туристик хизматлар экспорти 4,8 миллиард долларга етди. Визасиз тартиб жо-рий этилган давлатлар сони 94 тага кўпайди. Шу билан бирга, туризм соҳасини лойиҳа бошқаруви тизимига ўтказиш, туризм махсу-



ЮРТИМИЗДА САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН КЕНГ КўЛАМЛИ ИСЛОХОТЛАР, ИНФРАТУЗИЛМАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА ЗАМОНАВИЙ ТУРИЗМ ОБЪЕКТЛАРИНИ БАРПО ЭТИШ ИШЛАРИ ТУФАЙЛИ ТУРИСТЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК ВА ХИЗМАТЛАР КўЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА.

лотларини яратиш ва ривожлантириш бўйича ягона механизмни жорий этиш ҳамда йирик тадбирларни мувофиқлаштиришни кучайти-риш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Тақдимотда соҳа фаолиятини рақамлаш-тириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Давлат ва хусусий ахборот ти-зимларини уйғунлаштириб, Миллий туризм платформасини ишга тушириш, туристлар ва

йўлаг” лойиҳаси иш бошламоқда. Регистон ансамбли, Бибиҳоним ва Шоҳи Зинда маж-муалари ҳамда Мирзо Улугбек расадхонаси-ни 6,6 километрни ягона сайёҳлик йўналиши ўзaro боғлайди.

Самарқандда янги “Ипак йўли” музейини қуриш лойиҳаси ҳам тақдим этилди. Умумий майдони 19,5 минг квадрат метрни ташкил этадиган уч қаватли замонавий бино қури-либ, унда инклюзив муҳит, кўргазма заллари, экспонатларни сақлаш фондлари, шунингдек, таълим олишга мўлжалланган ҳудудларни барпо этиш кўзда тутилган.

Мирзо Улугбек расадхонаси ҳудудида ландшафт дизайнини янгилаш режалашти-рилмоқда. Янги музей биноси, иммерсив кўргазма заллари, ташриф буюрувчилар учун марказ барпо этилади. Пидедалар йў-лаклари обдонлаштирилиб, археологик объектлар ягона музей муҳитига уйғунлаш-тирилади.

Бундан ташқари, Бухоро шаҳрининг бош режаси тақдим этилди. Унда қулай шаҳар му-ҳитини шакллантириш, транспорт ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш, шунинг-дек, конгресс-холл, амфитеатр, кутубхона, фуд-холл, чакана савдо ва тижорат объек-тлари ҳамда юқори тонфали меҳмонхонани қамраб оладиган кўп функцияли мажмуа си-фатида тарихий-этнографик бог барпо этиш назарда тутилган.

Президентимиз маданият лойиҳала-рини туризмин ривожлантириш вазифалари билан ўзaro боғлаган ҳолда амалга ошириш, уларнинг иқтисодий барқарорлиги ва сифат-ли бошқарувини таъминлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади, — дейди Туризм қўми-таси раиси Абдулазиз Оққулов. — Биз ўтказ-ган тақдимотнинг асосий мазмуну эса кел-гусида туризм соҳасини лойиҳа бошқаруви тизимига ўтказишдан иборат. Соддароқ айт-ганда, бунда бирор объект танланиб, ривож-лантириш режаси ишлаб чиқилади. Давлат бюджетидан туризмин ривожлантириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан инфра-ту-зилма шакллантирилади. Шу асосда тадбир-корларни давлат-хусусий шериклик асосида

тадбиркорлар учун проактив рақамли хизмат-ларни жорий этиш, нақдсиз ҳисоб-китоблар-ни кенгайтириш ҳамда туристлар оқимини таҳлил қилиш вазифалари белгилаб берилди. Рақамлаштириш орқали яширин иқтисодиёт уллушини қисқартириш ва сайёҳлик йиғими-дан йиллик тушумларни ошириш режалаш-тирилгани қайд этилди.

Шунингдек, йирик маданият ва туризм объеклари лойиҳалари қўриб чиқилди. Ху-сусан, Самарқандда “Самарқанд мероси

йўлаг” лойиҳаси иш бошламоқда. Регистон ансамбли, Бибиҳоним ва Шоҳи Зинда маж-муалари ҳамда Мирзо Улугбек расадхонаси-ни 6,6 километрни ягона сайёҳлик йўналиши ўзaro боғлайди.

Самарқандда янги “Ипак йўли” музейини қуриш лойиҳаси ҳам тақдим этилди. Умумий майдони 19,5 минг квадрат метрни ташкил этадиган уч қаватли замонавий бино қури-либ, унда инклюзив муҳит, кўргазма заллари, экспонатларни сақлаш фондлари, шунингдек, таълим олишга мўлжалланган ҳудудларни барпо этиш кўзда тутилган.

Мирзо Улугбек расадхонаси ҳудудида ландшафт дизайнини янгилаш режалашти-рилмоқда. Янги музей биноси, иммерсив кўргазма заллари, ташриф буюрувчилар учун марказ барпо этилади. Пидедалар йў-лаклари обдонлаштирилиб, археологик объектлар ягона музей муҳитига уйғунлаш-тирилади.

Бундан ташқари, Бухоро шаҳрининг бош режаси тақдим этилди. Унда қулай шаҳар му-ҳитини шакллантириш, транспорт ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш, шунинг-дек, конгресс-холл, амфитеатр, кутубхона, фуд-холл, чакана савдо ва тижорат объек-тлари ҳамда юқори тонфали меҳмонхонани қамраб оладиган кўп функцияли мажмуа си-фатида тарихий-этнографик бог барпо этиш назарда тутилган.

Президентимиз маданият лойиҳала-рини туризмин ривожлантириш вазифалари билан ўзaro боғлаган ҳолда амалга ошириш, уларнинг иқтисодий барқарорлиги ва сифат-ли бошқарувини таъминлаш зарурлигини алоҳида таъкидлади, — дейди Туризм қўми-таси раиси Абдулазиз Оққулов. — Биз ўтказ-ган тақдимотнинг асосий мазмуну эса кел-гусида туризм соҳасини лойиҳа бошқаруви тизимига ўтказишдан иборат. Соддароқ айт-ганда, бунда бирор объект танланиб, ривож-лантириш режаси ишлаб чиқилади. Давлат бюджетидан туризмин ривожлантириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан инфра-ту-зилма шакллантирилади. Шу асосда тадбир-корларни давлат-хусусий шериклик асосида

жалб қилган ҳолда сайёҳларни объектнинг эшигигача олиб келиш механизми тарғиботи учун мутахассислар тайёрлашга қўмаклаши-лади. Бу маҳаллий аҳолини иш билан таъ-минлаш имконини ҳам беради. Якунда барча хизматлар рақамлаштириш тизимига боғлан-ган ҳолда давлат-хусусий шериклик асосида-ги лойиҳаларимиз хусусий шерикка ўтади ва давлат ўз улуши билан бошқарув лойиҳала-ринга маблағларни йўналтиришни режалаш-тиради. Мазкур тақлифларнинг барчасини давлатимиз раҳбари маъқуллади ва тегишли кўрсатмаларини берди.

Юртимизда сайёҳлик салоҳиятини оши-ришга қаратилган кенг кўламли ислохотлар, инфратузилмани такомиллаштириш ва за-монавий туризм объекларини барпо этиш ишлари туфайли туристлар учун қулайлик ва хизматлар кўлами кенгаймоқда. Бу эса Ўзбе-кистонни халқаро туризм харитасида янада машхур ва жозибадор мамлакатга айланти-ришга хизмат қилади.

Тақдимотда келгуси режалар ва мавжуд ҳолатлар таҳлили қўриб чиқилди. Масалан, Саудия Арабистонида бўлиб ўтиши режа-лаштирилган ЭКСПО-2030 кўргазмасида иштирок этишга тайёргарлик ишларига катта



эътибор қаратилиб, майдони 3,6 минг квад-рат метрни павильон қурилиши режалашти-рилган.

Бухорода ўтказилган биринчи Замонавий санъат биенналееси 70 кун давом этди. Тадбир 3,5 гектар майдонни ва реставрация қилинган 14 та маданий мерос объектини қамраб олди. Биенналеда 40 дан ортиқ давлатдан 70 иждо-кор ва куратор қатнашди. Тадбир иштирок-чилари сони қарийб 1,8 миллионни ташкил этди.

Ўзбекистоннинг 2021 йилдан буён Вене-ция биенналеесида мунтазам иштирок этаёт-ганини тизимли сайёҳлар оқимининг ўсиши-га хизмат қиладигани таъкидланди.

— Яқин кунларда Ягона туризм миллий платформасини ишга туширишни режалаш-тирганмиз, — дейди Абдулазиз Оққулов. — Унинг доирасида 16 та вазирлик ва идоранинг ахборот тизимлари битта майдонда жамлана-ди. Бу келгусида сайёҳлик йўналишларини шакллантириш ва давлат миқёсида таҳлиллар ўтказиш, сайёҳларнинг юртимизда бўлиш кунларини кўпайтириш, тўлов қобилиятини ошириб бориш имконини беради.

Жаҳон туризм бозоридида оммавий туризм-дан воз кечишиб, индивидуал туризмга катта

эътибор қаратилмоқда, яъни сайёҳларнинг алоҳида қизиқишларидан келиб чиқиб, ин-новацион туризм йўналишларини ишлаб чи-қиш кенг тус олмақда. Бугун мамлакатимиз-да фаолият юритаётган туризм ташкилотлари ушбу жараёнга кўпроқ эътибор қаратаётгани сабаби ҳам шунда.

Халқаро туризм ривожини ички туризмга эътибордан бошланади

Мамлакатимизда туризм соҳасида замона-вий йўналиш ва турларни йўлга қўйиш хори-жий сайёҳлар оқими ортиши, ички ва халқаро туризм ривожланиши ҳамда ташриф геогра-фияси кенгайишига олиб келади.

Сайёҳлик деганда фақат ташқаридан кел-иб-кетувчилар эмас, балки юрдошларимиз-нинг ҳам мамлакат бўйлаб ҳаракатланиши

тушунилади. Яъни ички туризмни ривожлан-тириш орқали хорижий туристларни кўпроқ жалб қилиш мумкин. Шу мақсадда юртимиз-да “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!” дастури йўлга қўйилган. Унинг доирасида республи-ка бўйлаб корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган ҳодимлар ҳамда маҳаллалардаги аҳоли саёҳат қилади.

Туризм жаҳон иқтисодиётининг энг тез ривожланаётган ва истиқболли тармоқлари-дан. Бу хорижга экспорт қилмай, валюта олиб кириш имконияти, кам маблағ билан кўп иш ўрни очадиган, аҳоли даромади ва ҳудудлар қиёфасини яхшилайдиган соҳа. Юртимиз-да тарихий, маданий ва ҳушманзара жойлар жуда кўпчилиги эса бу имкониятларни карраси-га оширади.

Президентимиз Олий Мажлис ва Ўзбе-кистон халқига йўллаган Мурожаатномасида қайд этганидек, ўтган йилларда эришган ул-кан ютуқларимиз энди “Ўзбекистон — 2030” стратегиясидаги мақсад ва вазифаларни қайта қўриб чиқишнинг тақозо этмоқда. Зеро, соҳаларда кузатилаётган юксалишлар энди олдимизда турган янги босқичдаги устувор йўналишлар ва амалиётни янада такомил-лаштириш заруратини пайдо қилмоқда.